

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХСИНОВА ЛОЛА АНВАРОВНА

**ЮЗ НУҚСОНЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА ТИШЛАР
ЧИҚИШ МУДДАТИ ВА ТИШЛОВ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

14.00.21 - Стоматология.

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухсинова Лола Анваровна

Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишлар чиқиш муддати ва тишлов шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари 3

Мухсинова Лола Анваровна

Факторы риска влияющие на сроки прорезывания зубов и формирования прикуса у детей с пороками развития лица 22

Mukhsinova Lola Anvarovna

Risk factors affecting the timing of teething and bite formation in children with facial defects 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 44

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХСИНОВА ЛОЛА АНВАРОВНА

**ЮЗ НУҚСОНЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА ТИШЛАР
ЧИҚИШ МУДДАТИ ВА ТИШЛОВ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ**

14.00.21 - Стоматология.

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib960-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Иноятгов Амрило Шодиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Баймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шукурова Умида Абдурасуловна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот

ФДАОТМ Санкт-Петербург давлат университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабр куни соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (06 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «10» декабр даги 19 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа (PhD) доктори диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра “...лаб ва танглай кемтиги, болалар ривожланишида кенг тарқалган нуқсонлар сирасига киради, уларнинг солиштирма вазни 96,9% ни ташкил этади, одатий юз кемтигининг популяцияда частотаси йилига 1:1000-1:700 та янги туғилган чақалоқни ташкил қилади”¹. Тишларнинг ёриб чиқиши муддати ва шаклланиши жараёни боланинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланишида муҳим кўрсаткичлардан бири саналувчи физиологик жараён ҳисобланиб, боланинг тўғри ривожланиши билвосита кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Тишлар ёриб чиқишининг физиологик жараёни патологик ҳолатлар чақирмайди, у бола саломатлигининг умумий ҳолати билан бевосита боғлиқ, тишларнинг ўз вақтида, муайян кетма-кетликда ўсиши унинг организми меъёрида ривожланаётганлигидан дарак беради.

Жаҳонда юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишлар чиқиш муддати ва тишлов шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари натижасида патологик жараён ривожланиши бўйича талайгина ишлар қилинмоқда. Шу сабабдан, мазкур мавзуда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилари ўтказган кўп сонли ишларга қарамадан, болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланиши патологияларининг кечуви ва якунига эрта ташхис қўйиш, прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқиши долзарб ва зарур бўлиб қолмоқда. Тадқиқотлар юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклигига эга болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланиши муддатларига таъсир қилувчи хавф омилларини, кечич хусусиятлари, организм бошқа аъзо ва тизимларидаги ўзгаришларни ўрганишга бағишланган.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматлар, айниқса янги туғилган чақалоқларда касалликларга эрта ташхис қўйиш ва асоратларни камайтириш сифатини ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шу сабабдан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чоралар комплекси “...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, она ва бола учун сифатли тиббий ёрдам оммабоплигини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ўлимини камайтириш”ни ўз ичига олади. Шунинг учун тиббий хизматларнинг, айниқса юқори лаб ва танглайда туғма кемтиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш кечикиши ва тишлов шаклланишига эрта ташхис қўйиш сифатини янги даражага олиб чиқиш муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра Харакатлар стратегиясида² “...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислох қилиш, ногиронликни олдини олиш...”,

¹ ЖССТ ҳисоботидан олинган маълумотлар. 2019.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

2018-йилнинг 7-декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармонлари, 2017-йилнинг 20-июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон ва 2020-йилнинг 12-ноябридан “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорлари, шунингдек ушбу муаммога тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда кўйилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот VI қисми ҳисобланади. “Тиббиёт ва фармакология” истиқболли йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тишларнинг ёриб чиқиши бу физиологик босқичли жараён, у болаларда сут, кейин доимий тишлар пайдо бўлиши билан тавсифланади (Терехова Т.Н., 2013; Аюпова Ф.С. ва ҳаммуал., 2015; Feraru I.V. et al., 2011).

Тишларнинг тузилиши, уларнинг жойлашуви ва ривожланишида турли сабабларга кўра қатор оғишлар вужудга келиши мумкин (Золотарева Л.П., 2004; Галонский В.Г. ва ҳаммуал., 2012): тиш илдизининг бўлмаслиги, тиш ўқининг нотўғри жойлашуви (горизонтал ва эгри), бунинг оқибатида у тиш қатори ёйидан ташқарида ёриб чиқади ёки жағ суягининг қатламида қолиб кетади, тишнинг ўзини – ўлчами, шакли, ҳолати, ранги нотўғри шаклланади, эмал қопламасида нуқсон ҳосил бўлади.

Тадқиқотлар билан, тишлов аномалиялари жағларнинг норавон ўсишида ва энг оддий ҳолат, тинимсиз сўрғич сўриш туфайли юзага келиши белгиланган. Тишлар жойлашувининг аномалиялари конституцион сабабларга (жағнинг кичик ўлчами) кўра, жароҳатлар туфайли, бириктирувчи тўқима алмашинувида туғма бузилишда, жағ алвеоляр ўсиғининг ўсимталарида пайдо бўлади (Водолацкий М.П., Водолацкий В.М., 2009).

Маълумки, тиш илдизлари ҳомилада, бачадон ичида тахминан 6 ойлик муддатда пайдо бўлади. Кейинги 1,5 ой давомида суяк тўқимасининг минераллашув жараёни содир бўлади. Бу даврда (ҳомилдорликнинг 13 ҳафтасигача) ҳомила она организмидан унинг тишларига зарур бўлган калций, фосфор, оқсил ва бошқа моддаларни олади (Васильченко Г.А., Иорданишвали А.К., 2015; Казюкова Т.В. ва ҳаммуал., 2013; Алварез Ј.О., 2009). Бу муддатда турли касалликлар, нотўғри овқатланиш, аёлнинг баъзи дориларни қабул қилиши ҳомилада тиш тожларининг сони ва шаклида аномалиялар чақиради, уларнинг эмалини мустаҳкамлиги ва рангини бузади.

Туғилган вақтда боланинг 20 та сут тишларини тожлари жағларнинг алвеоляр ўсиқ чуқурлигида, тўлиқ шакланган ҳолатда жойлашади. Уларнинг ёриб чиқиш жараёни, уларнинг ўзига хос равишда, тобора ҳажмда

катталашини ва ташқарига чиқишидан иборат, бунда улар суяк тўқимаси, шиллиқ қават қаршилигини енгиб ўтади. Бу вақтда милклар шишади ва таъсирчан бўлади (Галонский В.Г. ва ҳаммуал., 2012; Клешенко Е.И. ва ҳаммуал., 2017).

Иноятов А.Ш. ва ҳаммуал. (2016) тадқиқотлари экологик омилларнинг болаларда тиш илдизлари шаклланишига таъсирини ўрганишга бағишланган. Муаллифлар, агар салбий экологик омиллар юз-жағ соҳасининг эмбриогенез жараёнига таъсир кўрсатса, унда бу болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари ва тартибига, шунингдек тишлов шаклланишида акс этишини таъкидлашади.

Шундай қилиб, тишларнинг ёриб чиқиш ва тишлов шаклланиши жараёни боланинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланувчи физиологик жараён ҳисобланади. Аммо мазкур жараёнга салбий таъсир кўрсатувчи ва патологик жараён ривожланиши учун имконият яратувчи қатор омиллар мавжуд. Шу сабабдан, мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг мазкур мавзуда кўп сонли ишлари мавжудлигига қарамасдан, болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишига эрта ташхис қўйиш, кечуви ва якунини прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқиш долзарб ва зарурлигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг “Бухоро минтақасининг иссиқ иқлими шароитида организмда патология олди ва патологик ҳолатларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш” 02.2019.PhD.040-сон режаси ва илмий-тадқиқот мавзуларига кўра режалаштирилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Лаб ва танглай туғма кемтиги билан туғилган болаларда тишларнинг чиқиш муддати ва тишлов шаклланишида перинатал ва постнатал хавф омиллари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лаб ва танглай туғма кемтиги билан туғилган болаларда сут тишлар чиқиш муддатларини ўрганиш;

болаларда лаб ва танглай туғма кемтигини тишлар ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишига таъсирини баҳолаш;

лаб ва танглай туғма кемтиги билан туғилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишида перинатал ва постнатал хавф омиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари ва тўғри тишлов шаклланишида лизоцимнинг даражаси ва ўрнини аниқлаш;

лаб ва танглай туғма кемтиги билан туғилган болаларда тишларнинг ёриб чиқишининг кечикиши ва тишлов шаклланишининг патологиясини олдини олиш бўйича оптималлаштирилган алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори лаб ва танглайда туғма кемтиги бўлган 110 нафар бола, 40 нафар соғлом бола олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анкеталар, оғиз бўшлиғи, қоннинг тадқиқот натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари: Клиник, стоматологик, иммунологик рентгенологик ва статик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

юқори лаб ва танглайда туғма кемтиги бўлган болаларда сут тишлар чиқишининг бузилишлари ва аномалиялари, тишлов шаклланишидаги аномалиялар тарқалганлиги аниқланган.

лаб ва танглай туғма кемтигини сут тишларининг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишига таъсири баҳоланган. Тишларнинг чиқиши, тишлов шаклланишида бузилишлар ва аномалиялар ривожланишига таъсир қилувчи перинатал ва постнатал хавф омиллари аниқланган;

лаб ва танглай туғма кемтиги бўлган болаларда тишларнинг чиқиши, тишлов шаклланишида перинатал ва постнатал хавф омиллари ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган.

юқори лаб ва танглай туғма кемтикликлари бўлган болаларда тишлар чиқишининг кечикиши, тишлов шаклланишида патологияларнинг олдини олиш бўйича такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишловнинг нотўғри шаклланиши ва тишларнинг турли муддатларда ёриб чиқиши каби бузилишларни тератоген омилларга боғлиқ равишда олдини олишга доир алгоритм ишлар ишлаб чиқилган.

тадқиқот натижалари ёрдамида илмий асосланган дастур репродуктив ёшдаги аёлларда ушбу патологиялар частотасини камайтиришда қўллаш учун самарали восита бўлган.

олинган натижалар “Стоматология” таълим йўналиши бўйича дарсликларнинг ишчи дастурларига тадбиқ этилади, шунингдек маърузалар ўқиш, амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланилаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотда назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланиши, беморларнинг етарли миқдори текширилганлиги, таҳлиллар, шунингдек монанд кенг апробацияланган ва бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усуллари қўлланигани, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг натижалари билан қиёсланганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижалар мавжуд маълумотларга зид эмас.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборат, юқори лаб ва танглайда туғма кемтиклиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддати, тишлов шаклланишида перинатал ва постнатал хавф омиллари, бузилишлар ривожланишининг аниқланиш даражаси ўрганилган ва таҳлил қилинган. Мазкур кўрсаткичлар асосида юқори лаб ва танглайда туғма кемтиклиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши, тишлов шаклланишида бузилишлар

асосида юқори лаб ва танглайда туғма кемтиклиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши, тишлов шаклланишида бузилишлар ривожланишининг прогнози ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган.

Ишнинг амалий аҳамияти юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишловнинг нотўғри шаклланиши ва тишларнинг турли муддатларда ёриб чиқиши каби бузилишларни тератоген омилларга боғлиқ равишда олдини олишга доир алгоритм ҳамда илмий асосланган дастур репродуктив ёшдаги аёлларда ушбу патологиялар частотасини камайтиришда қўллаш учун самарали восита бўлган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Юқори лаб ва танглайда туғма кемтиклиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари тишлов шаклланишига таъсир қилувчи хавф омилларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Юқори лаб ва танглайда туғма кемтиклиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши кечикишини олдини олиш усули” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 21.05.2021-йилдаги 8н-р/394-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда тишларнинг ёриб чиқишини кечикиши ва тишлов шаклланишида патологияларнинг самарали олдини олиш ва даволанишига эришиш имконини берган;

“Болаларда тишларнинг патологик ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишининг сабабларини диагностика қилиш усули” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 21.05.2021-йилдаги 8н-р/395-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда тишларнинг патологик ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишини диагностика қилишнинг янги усулини жорий қилиш ҳамда мазкур патологиянинг олдини олиш чораларини кўриш имконини берган.

Диссертация ишининг олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Бухоро вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Жондор туман стоматология поликлиникалари ва Вобкент туман болалар стоматология поликлиникаси клиник амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24.07.2021 йилдаги №8Н-з/240-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижалар юқори лаб ва танглайда туғма кемтиги бўлган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши, тишлов шаклланишида бузилишлар ривожланишининг прогнози ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган. Касалликни олдини олишга самарали ёндашувларни танлаш болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та хорижий ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп қилинган, шулардан Ўзбекистон

Республикасининг Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, шу жумлада 3 та республика, 5 та хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларга мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига тадбиқ қилиш бўйича, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишларнинг чиқиш муддатлари ва тишлов шаклланишига таъсир этувчи хавф омилларининг замонавий жиҳатлари”** - назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тишловнинг шаклланиши ва тишларнинг ёриб чиқиш муддатларини ўрганишга оид тадқиқотлар тизимлаштирилган, шунингдек бу муаммонинг ҳал этилмаган ёки ўрганишни талаб этувчи жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда постнатал ва перинатал хавф омиллари бўйича клиник тавсиф, тадқиқотнинг материаллари ва усуллари”** клиник материалларга умумий тавсиф берилган, тадқиқот усуллари таърифланган.

Мазкур иш Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази болалар юз-жағ жарроҳлик бўлимида юз нуқсонлари бўлган 150 нафар болани клиник-лаборатор текшируви ва даволанишига асосланган. Мазкур тадқиқот шахсий клиник-лаборатор ва ускунавий кузатувлар натижасига асосланган,

Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари:

- юз кемтиклари бидан туғилган болаларда клиник ташхис мавжудлиги;
- ота-оналарнинг ўтказилаётган тадқиқотда фарзандларини иштирокига розилиги;

- 6 ёшдан катта бўлмаган ўғил ва қиз болалар;

Беморларни тадқиқотдан чиқариш мезонлари:

- сурункали касалликлари бўлган болалар.

Текширилган барча 150 нафар бола 2 гуруҳга ажратилган: таққослаш гуруҳи юз кемтиклари бўлмаган 40 нафар (26,7%) боладан, асосий гуруҳ эса – юз кемтиклари бўлган 110 нафар (73,3%) боладан ташкил топган.

Таққослаш гуруҳида ўғил болалар қиз болаларга қараганда 1,67 марта кўп бўлган, асосий гуруҳда эса – 1,97 марта.

Организм умумий ҳолатининг таҳлили касалликлар анамнези ҳамда аралаш мутахассислар маслаҳатларининг маълумотларини синчковлик билан тўплаш ёрдамида ўтказилган. Бунда асосий ва одатда, юз-жағ соҳасида туғма патологияси бўлган шахсларга хос бўлган ёндош ташхислар эътиборга олинган.

Юқори лаб ва танглайида туғма кемтиги бўлган болаларга ташхис қўйиш, шунингдек патологиянинг оғирлигига боғлиқ равишда реабилитация чораларининг муддатлари ва ҳажмини аниқлаш учун Л.Е.Фролованинг оддий клиник-анатомик таснифлашидан фойдаланилган. Мазкур таснифлаш барча кемтикларни аниқлаш ва нуқсоннинг оғирлик даражасини белгилаш имконини берган, бу кўрсаткичнинг ортиши ўраб турган тўқималарда деформациянинг ифодаланиши ортганлигидан дарак берган ва бу билан ташхис қўйиш вақтида жарроҳлик амалиётининг тактикасини аниқлашда кўмаклашган.

Болаларни текширишда қуйидаги диагностика усулларидан фойдаланилган: умумий клиник ҳолатни баҳолаш, лаборатория тадқиқот усуллари, маҳаллий ҳолатнинг таҳлили, жағнинг диагностик моделларини ўрганиш, бош суяги, тиш-жағ тизимининг рентгенологик тадқиқоти. Шунингдек беморларда эшитиш ва нутқ ҳолати ўрганилган. Текширув вилоят касалхонасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимига бирламчи муурожаатида соматик ҳолатни баҳолаш мақсадида маслаҳат ёрдамида беришда болани педиатр ва невропатологнинг биргаликдаги кўригидан бошланган, онанинг акушер-гинекологик анамнезини тўплашга, оилавий анамнезга, ушбу ҳомиладорликнинг кечишида ўзига хосликлар ва туғруқ, бола бошидан ўтказган касалликларга алоҳида эътибор қаратилган.

Рентгенологик тадқиқотлар Бухоро шаҳар вилоят стоматология поликлиникасида ўтказилган. Ортопантограмма амалга оширилган. Бу тадқиқот усуллари юз ва мия суягининг тузилишидаги қонуниятлар, турли бўлимлар нисбатининг пропорционалиги ва уларнинг муайян текисликларга нисбатини аниқлаш имконини берган. Рентгенологик тадқиқотлар тиш-жағ аномалияларининг юз, бош билан боғлиқлигини қайд этишда ёрдам берган. Ортопантограмма ўнг ва чап томон юқори жағ ўлчамларини солиштириш, шунингдек ҳам сут, ҳам доимий тишларнинг ёриб чиқишини аниқлаш имкони мавжуд, бу лабнинг бир томонлама ва икки томонлама кемтикликлари, алвеоляр ўсиқ ва қаттиқ танглай кемтикликларига эга болаларнинг профилактика алгоритминини ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган.



1-расм. Ортопантограмманинг сурати

Оғиз бўшлиғида микробиоценоз бактериологик тадқиқот ёрдамида аниқланган. Бунинг учун докрон тампон билан материал олинди, кейин бойитиш муҳитига жойлаштирилган (Игла муҳит ёки 199-муҳит). Халқум орт девори шиллиқ каватида эпителий хужайраларида кўзғатувчининг тўпланишига эришилган, бу кўзғатувчи ажралиш эҳтимолини катта миқдорда оширган.

Сўлакда лизоцим фаоллиги Шубик В.М. (1986 й.) усули бўйича аниқланган. Бу усул сўлакда мавжуд бўлган, стандарт тирик суспензия *Micrococcus lysodeikticus* ни лизоцим таъсири остида оптик зичлигининг ўзгаришини аниқлашга асосланган. Лизоцимнинг меъёрий кўрсаткичлари 17 дан 25% гача ташкил этган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2012 дастурлар тўплами, шу жумладан статистик қайта ишлаш учун ички ўрнатилган функциялар ёрдамида Windows 10 шахсий компютерида статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари ва тишов шаклланишига таъсир қилувчи хавф омили сифатида анте, интра-, перинатал даврлар патологияси”** тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари ва тишов шаклланишида бузилишларнинг хавф омилларини аниқлашга бағишланган.

Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда патология эҳтимолини прогноз қилиш ва профилактика чораларини режалаштириш имконини берувчи, энг кўп ахборот берувчи хавф омилларини қидириш долзарб ҳисобланади. Етакчи сабаб кўплаб омилларнинг турли уйғунликдаги таъсири бўлиши мумкин. Эҳтимол, болаларда ривожланишнинг туғма нуқсонлари ҳосил бўлишига ота-оналар саломатлигининг дастлабки ҳолати, атроф-муҳитнинг салбий таъсири, инфекциялар, ирсий мойиллик ўзининг муайян ҳиссасини қўшиши мумкин.

Асосий гуруҳ болаларида юқори лаб ва танглайнинг бир томонлама чегараланган кемтиги 32 (29,1%), қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг тўлиқ кемтиги - 25 (22,7%), юқори лабнинг бир томонлама тўлиқ кемтиги - 27 (29,7%), юмшоқ танглай кемтиги - 11 (10,0%), қаттиқ танглайнинг чегараланган кемтиги - 13 (11,8%), юзнинг атипик нуқсонлари - 2 (1,8%), ҳолатда қайд этилган.

Биз энг кўп маълумот берувчи хавф омилларини ажратилган, масалан, асосий гуруҳдаги 72 нафар (65,5%, нисбий хавф $RR=2,95$) болада ҳомила гипоксияси қайд этилган. Кимёвий омил сифатида гипоксия болада қон касалликлари (кўпинча анемия); юрак-томир тизими ва нафас олиш аъзоларида сурункали касалликлар, ҳомиладор аёлларда токсикоз ва бошқалар натижасида юзага келиши мумкин. Тишловнинг шаклланиши ва тишларнинг ёриб чиқиш муддатларига 83 нафар (75,5%, нисбий хавф $RR=3,2$) онада анемия, 92 нафар (83,6%, нисбий хавф $RR=2,74$) онада дори воситаларининг қабул қилиниши, онанинг руҳий ҳолати(стресс) 61 нафар (55,5%, нисбий хавф $RR=2,01$) онада катта таъсирга эга.

Ҳомиладор аёлда фолий кислотасининг етишмаслиги болаларда нотўғри тишлов шаклланиши ва тишларнинг ёриб чиқиш муддатларини бузилишида аҳамиятли омиллардан бири ҳисобланади. Организмда фолатларнинг функцияси турли-туман: улар ДНК метилланишида, норадреналин ва адреналин синтезида, эритроцитлар ва тромбоцитлар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида преэклампсияда кариеснинг тарқалганлиги 94,0% га ошган, шу билан бирга шикастланиш жадаллиги токсикознинг оғирлигига боғлиқ. Ҳомиладор аёлларда терапевтик стоматологик ёрдамга эҳтиёж 94,% ҳолатда, ортопедик ёрдамга - 56,1%, тезкор жарроҳлик амалиётларига эҳтиёж - ҳомиладор аёлларнинг умумий сонидан 2,2% ҳолатда юзага келган (1-жадвал).

Ҳомиладорлик даврида стоматологик касалликларнинг ортиши нафақат, умуман аёл организмида содир бўладиган ўзгаришлар билан, балки тишларнинг қаттиқ тўқималарини ҳолати ёмонлашиши билан ҳам боғлиқлиги белгиланган, бу оғиз бўшлиғида микрофлоранинг ўзгариши, тиш эмалининг кислоталар таъсирига резистентлиги камайиши билан боғлиқ.

Юз кемтиклари билан туғилган болаларда тишларни ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишида бузилишларга олиб келувчи интранатал хавф омилларига туғуруқ вақтида содир бўлган бузилишлар киритилади. Юз нуқсонлари билан туғилган 16 нафар (14,5%, $RR=3,1$) боланинг онаси ва назорат гуруҳидаги деярли барча аёллар (90,0%) ўз муддатида туғган, 21 нафар (19,1%, $RR=0,41$) аёл муддатидан олдин туғган, бу муддатидан аввал туғиш ҳамда аёлнинг белгиланган муддатдан кеч туғиши асосий гуруҳ болаларида тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари ва тишлов шаклланишига таъсир қилмаслигидан дарак берган.

Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишида бузилишларнинг антенатал омилларини баҳолаш

Омиллар	Асосий гуруҳ, n=110		Назорат гуруҳи, n=40		P	OR	RR
	Мут	%	Мут	%			
Ҳомила гипокцияси	72	65,5	11	27,5	<0,001	9,98	2,95
Онада анемия	83	75,5	10	25,0	<0,001	10,3	3,2
Ҳомиладорлик вақтида ЎРВИ, ЎРК	96	87,3	13	32,5	<0,001	4,39	1,76
Енгил даражада преэклампсия II ярмини	59	53,6	4	10,0	<0,001	3,4	1,86
Енгил даражада преэклампсия I ярмини	41	37,3	6	15,0	<0,01	2,2	1,67
Ҳомиладорлик вақтида дори воситаларини қабул қилиш	92	83,6	11	27,5	<0,001	8,39	2,74
Онанинг руҳий зуриқиши (стресс)	61	55,5	3	7,5	<0,001	6,72	2,01
Фолий кислота етишмаслиги	56	50,9	2	5,0	<0,001	8,62	3,2
Онада эндокрин касалликлар	16	14,5	1	2,5	<0,01	1,6	2,7
Ота-онанинг қариндошлиги	41	37,3	0	0	<0,01	5,2	3,9

Кесарево амалиёти текширилувчиларнинг ярмидан ортиғи, 65 нафар (59,1%, RR=2,7) аёлда ўтказилган (2-жадвал).

Оғир даражали асфикция асосий гуруҳдаги 1 нафар (0,9%, P>0,05, лекин нисбий хавф жуда юқори) болада қайд этилди, бу юқори хавфдан гувоҳлик қилади, асфикциянинг ўрта даражаси 7 нафар (6,4%) янги туғилган чақалоқда белгиланди, енгил даража - 100 нафар (90,9%, RR=1,5) болада қайд этилди, хавф шунингдек юқори. Кесар амалиётини 65 нафардан (59,1%, RR=2,7) ортиқ аёл амалга оширган.


Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишида интранатал хавф омилларини баҳолаш

Омиллар	Асосий гуруҳ, n=110		Назорат гуруҳи, n=40		P	OR	RR
	Мут	%	Мут	%			
Тезкор	16	14,5	36	90,0	<0,001	10,6	3,1
Муддатидан аввал	21	19,1	2	5,0	<0,01	0,56	0,41
Муддатидан кечиккан	28	25,5	1	2,5	<0,001	6,1	2,78
Кесар амалиёти	65	59,1	2	5,0	<0,001	4,6	2,7

Оғир даражали асфикция асосий гуруҳдаги 1 нафар (0,9%, $P>0,05$, лекин нисбий хавф жуда юқори) болада қайд этилди, бу юқори хавфдан гувоҳлик қилади, асфикциянинг ўрта даражаси 7 нафар (6,4%) янги туғилган чақалоқда белгиланди, енгил даража - 100 нафар (90,9%, $RR=1,5$) болада қайд этилган, хавф шунингдек юқори.

ЖССТ стандартларига кўра бачадон ичидаги биринчи 4 ҳафта (биринчи 28 кун) неонатал давр ҳисобланади.

Энг оғир муаммо - бу юз кемтиги билан туғилган болаларни озиклантириш. Кўкрак билан фақат 19 нафар (17,3%, $RR=0,44$) она эмизган, сунъий озиклантирилган болалар сони энг кўп, 56 нафар (50,9%, $RR=2,16$), 35 нафар (31,8%, $RR=1,17$) бола аралаш эмизилган.



2-расм. Текширилган болаларни озиклантириш турлари

Лаб кемтиги бўлган янги туғилган чақалоқни эмизиш усуллари анатомик бузилишларнинг даражасига боғлиқ. Лаб ва танглайда кемтиклиги бўлган бола ҳаётининг биринчи кунларидан оғиз бўшлиғининг герметик эмаслиги туфайли сўриш функцияси бузилган, бу бола жисмоний ривожланишининг камайишини асосий сабаби ҳисобланади, болада рахит ва бошқа касалликлар ривожланишига олиб келади. Бу болаларда ютиш функцияси оғиз бўшлиғида герметиклик йўқлиги ва оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғининг бирлиги туфайли бузилган. Шу билан бирга ютиш вақтида овқат бурун бўшлиғига ташланади, бу сурункали назофарингитни ривожлантиради, шунингдек нафас олиш йўллари ва ўпкада яллиғланиш ривожланиши билан аспирацияланиши мумкин. Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда нутқ функциясининг бузилиши танглай-ҳалқум клапанининг йўқлиги, оғиз бўшлиғи ва буруннинг бирлашиши билан боғлиқ. Болаларда нотўғри тишловнинг энг кўп тарқалган сабаби сунъий озиклантириш ҳисобланади. Гўдаклик ёшида боланинг пастки жағи юқори жағдан қисқароқ. Кўкрак билан эмизиш гўдакнинг юз мушакларини фаол ишлаши ва пастки жағнинг жадал ҳаракатланишига олиб келади.

3-жадвал

Текширилган болаларда тишлар ёриб чиқиши ва тишлов шакллаланишининг бузилишини постнатал хавф омилларини баҳолаш

Омиллар	Асосий гуруҳ, n=110		Назорат гуруҳи, n=40		P	OR	RR
	Абс	%	Абс	%			
МАТШП нинг ўрта оғир ва оғир шакли	15	13,6	4	10,0	<0,001	7,6	3,78
Анемия	17	15,5	5	12,5	<0,001	7,75	2,59
МАТ функционал ҳолатининг ўзгаришлари	11	10,0	6	15,0	<0,01	5,71	2,7
Оқсил-энергия етишмаслиги	13	11,8	3	7,5	>0,05	4,9	4,0
Физиологик рефлекслар пасайиши	10	9,1	0	0,0	<0,001	8,6	3,9
ЮҚТтизимда функционал бузилишлар	8	7,3	2	5,0	>0,05	3,4	2,64
Рахит	9	8,2	7	17,5	<0,05	3,6	2,04
Тимомегалия	5	4,5	3	7,5	>0,05	3,17	2,27
Тез-тез ЎРВИ ва ЎРК	22	20,0	6	15,0	>0,05	2,9	2,0
Сунъий озиклантириш	56	50,9	4	10,0	<0,001	2,69	2,16

Марказий асаб тизимининг перинатал шикастланишини ўрта оғир ва оғир шаклига 15 нафар (13,6%, RR=7,6) болада ва назорат гуруҳида 10,0% ҳолатда (RR=3,78) ташхис қўйилди, МАТ функционал ҳолатининг ўзгаришлар асосий гуруҳдаги 11 нафар (10,0%, RR=2,7) болада қайд этилди, анемия 15,5% ҳолатда, бу онадаги анемия билан боғлиқ

Тишлар ривожланишининг патологияси, эмизикли ёшда, тишлар шаклланидиган босқичда юзага келади. Бу даврда дентин умуман йўқ, илдиз қисқа бўлади, тишнинг юзаси кенг, тишларнинг эмалида майда ботикликлар ва горизонтал ариқчалар кузатилади. Тишларнинг эмали ва илдизлари, қалқонсимон без етишмовчилиги тишлар шаклланиганидан кейин вужудга келган ҳолатда азият чекмайди. (3-жадвал).

Ортогнатик тишлов, моҳиятан тўғри тишлов бўлиб, юз туғма нуқсонларига эга 2 нафар (1,8%, P<0,001) болада шаклланиган, мезиал тишлов – 70 нафар (63,7%, P<0,001), очик тишлов – 26 нафар (23,6%, P<0,001), чуқур тишлов – 4 нафар (3,6%, P<0,001), кесишувчи тишлов – 8 нафар (7,3%, P<0,001) болада қайд этилган.

4-жадвал

Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишларни ёриб чиқиши ва тишлов шаклланишида бузилишларни баҳолаш

Тишловнинг турлари	Асосий гуруҳ, n=110		Назорат гуруҳи, n=40		P
	абс	%	абс	%	
Ортогнатик тишлов	2	1,8	36	90,0	<0,001
Мезиал тишлов	70	63,7	0	0,0	<0,001
Очик тишлов	28	25,5	0	0,0	<0,001
Чуқур тишлов	4	3,6	4	10,0	<0,001
Кесишувчи тишлов	6	5,4	0	0,0	<0,001

Текширилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддати: Одатда, сут тишлари гўдакнинг беш-олти ойлигидан бошлаб чиқади Тиш чиқишининг кечикиши патологик жараёндан дарак берган. Юз кемтиги булган болаларда тишларнинг чиқиш муддатларини асосан юқори ва пастки марказий кесувчи тишларнинг чиқиши асосида кечикишларни ўрганиб таҳлил қилинган. Юз кемтиги билан туғилган болаларда асосан пастки ва юқориги марказий кесувчи тишларнинг чиқиш муддатлари статистик баҳоланган. Юқори лаб ва танглайнинг бир томонлама чегараланган кемтиги бўлган болаларда тишлар соғлом болалар билан таққослаганда, 9,0 (P<0,001) ойга кеч чикди, Қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг тўлиқ кемтиги бўлган болаларда - 7,4 (P<0,001) ойга, Юқори лабнинг бир томонлама тўлиқ кемтиги бўлган болаларда - 7,9 (P<0,001) ойга, Юмшоқ танглай кемтиги бўлган болаларда - 3,1 (P<0,001)

ойга, Қаттиқ танглайнинг чегараланган кемтиги бўлган болаларда - 5,2 (P<0,001) ойга, Атипик нуқсонлар бўлган болаларда 9,9 (P<0,001) ойгача муддатидан кеч чиқишлар кузатилган.

5-жадвал

Текширилган болаларда тишларнинг ёриб чиқиш муддати ва тишлов шаклланишини баҳолаш

Аномалияларнинг турлари	Асосий гуруҳ, n=110	Назорат гуруҳи, n=40	P
	чиқиш муддатлари		
Юқори лаб ва танглайнинг бир томонлама чегараланган кемтиги (n=32)	15,2±0,7	6,3±0,2	<0,001
Қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг тўлиқ кемтиги (n=25)	13,6±0,5		<0,001
Юқори лабнинг бир томонлама тўлиқ кемтиги (n=27)	14,1±0,9		<0,001
Юмшоқ танглай кемтиги (n=11)	9,3±0,7		<0,001
Қаттиқ танглайнинг чегараланган кемтиги (n=13)	11,4±0,4		<0,001
Атипик нуқсонлар (n=2)	16,1±0,2		<0,001

Тишловнинг шаклланиши ва тишларнинг ёриб чиқиш муддатларининг кечикишига шунингдек генетика ва зарарли одатлар таъсир кўрсатади. Агар тўлақонли тўғри эмизилмаса, бармоғини сўрса, тирноқларини тишласа, буларнинг барчаси жағларнинг нотўғри шаклланишига олиб келади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Юз кемтиги билан туғилган болаларда тишлар ёриб чиқишида ва тишлов шаклланишида маҳаллий иммунитет бузилишларни олдини олиш”** оғиз бўшлиғида лизоцим миқдори кўриб чиқилган.

Тишловнинг тўғри шаклланиши ва тишларнинг ёриб чиқиш муддатлари бузилишининг муҳим сабабларидан бири маҳаллий иммунитетнинг турли бўғинларида бузилишлар ҳисобланади. Лизоцим оғиз бўшлиғи ва ҳалқумда сурункали яллиғланишлар ривожланишида резистентликнинг аҳамиятга эга омили ҳисобланади, чунки унинг фаоллигининг камайиши тишлов шаклланиши ва тишлар ёриб чиқиш муддатларини бузилишининг сабабларидан бири бўлиб хизмат қилади. Таққослаш гуруҳидаги болаларнинг сўлагиди

лизоцимнинг фаоллиги меъёрий кўрсаткичларга мос бўлди (17 дан 25% гача), Юз кемтиги билан туғилган болаларда эса $38,1 \pm 1,22$, ($P < 0,001$) га етган.

6-жадвал

Текширилган болаларда сўлакда лизоцим даражаси (% ларда)

Кўрсаткич	Таққослаш гуруҳи (n=40)	Асосий гуруҳ (n=110)	P
Лизоцим	$17,6 \pm 0,52$	$38,1 \pm 1,22$	$< 0,001$

Ёшга боғлиқ равишда лизоцим фаоллиги таҳлил қилинганида, 3 ойдан бир ёшгача, 2-3 ёшгача болаларида ҳам лизоцим фаоллиги меъёридан юқори бўлиши белгиланган. 3 ёшдан катта бўлган юз нуқсонлари бўлган болаларда лизоцимнинг фаоллиги меъёрда бўлди чунки операциядан кейин нуқсонлар бартараф этилган. ($P < 0,001$).


7-жадвал

Ёшга боғлиқ равишда юз нуқсонларга эга болаларнинг сўлагидда лизоцим даражаси (% ларда)

Ёш	Таққослаш гуруҳи (n=40)	Асосий гуруҳ (n=110)	P
3 ойдан 1 ёшгача	$17,2 \pm 0,86$	$27,1 \pm 1,31$	$< 0,001$
2-3 ёш	$22,3 \pm 0,89$	$28,5 \pm 1,02$	$< 0,001$
3 ёшдан катта	$18,3 \pm 1,59$	$17,6 \pm 1,44$	$< 0,001$

Жағларнинг ривожланишида юз кемтиги билан туғилган болаларда юз-жағ соҳасидаги аъзо ва тўқималарда жойлашган яллиғланиш жараёнлари нафақат уларнинг анатомияси бузилиши, балки муайян турдаги патоген микрофлора устунлиги билан боғлиқ.

Оғиз бўшлиғининг микрофлораси граммусбат ва грамманфий микрофлора билан намоён бўлади. Шундай қилиб, юз кемтиги бўлган барча текширилган болаларда, шунингдек таққослаш гуруҳидаги болаларда *Veillonella* spp. гуруҳ вакиллари умуман учрамайди, шунингдек *Neisseria* spp. 5 нафар (4,52%) болада, *S. salivarius* – 29,2% да, *Peptostreptococcus* spp. – 41,8% да қайд этилди ва *Peptostreptococcus* spp даражасининг юқорилиги кузатилди.



3-расм. Оғиз бўшлиғининг микробиоценози

Тишловнинг тўғри шаклланиши ва тишларни ёриб чиқиш муддатларида профилактика –касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган давлат, ижтимоий, гигиеник, тиббий ва бошқа чоралар тизими бўлиб, патологияларнинг олдини олиш алгоритми тузилди ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

ЮЛТН бўлган болаларда тишларнинг чиқишида кечикишлар ҳамда тишлов шаклланишида патологияларнинг олдини олиш алгоритми

Янги туғилганлик даври (0 дан 1 ойгача)

-жағ-юз жарроҳи, неонатолог, педиатр, оториноларинголог, невролог, ортодонт ва генетикда текширув. Ота-оналар учун психолог маслаҳати. Эмизиш ва парваришlashга ўргатиш.

-жағ-юз соҳасида туғма ва орттирилган патология бўйича марказда ҳисобга олиш ва ётқизиш.

-реабилитация, жарроҳлик амалиётининг муддатлари, тактикаси ва ҳажмини режалаштириш. Оғир ёндош касалликлар бўлганида, жарроҳлик амалиётининг муддати яқка тартибда белгиланади.

-операция йўли билан даволашга тайёрлаш мақсадида бошқа аъзо ва тизимлардаги ёндош патологияларнинг яқка тартибда, соҳа мутахассислари томонидан даволаниши

Эмизиклик ёш даври (1 ойдан 1 ёшгача)

-протрузияни бартараф этиш ва операциядан кейинги даврда иккиламчи силжишдан огоҳлантиришга йўналтирилган аппаратури даволаш.
-ёндош соматик патология билан тез-тез хасталанадиган болаларга иммунологик ва аллергик ҳолатни тузатиш учун иммунолог ва аллерголог маслаҳатлари тайинланади.
-операция йўли билан даволашга комплекс тайёргарлик, соматик касалликларни турғунлаштириш. Тор доирадаги мутахассисларнинг режали қабули. Госпиталга жойлаштириш учун таҳлил ва ҳужжатларнинг тайёрланиши.
-шифокор анестезиолог-реаниматологнинг маслаҳатидан кейин, қарши кўрсатмалар бўлмаса – 3 ойлигида жарроҳлик билан даволаш (бирламчи хейлоринопластика)
-педиатрнинг операциядан кейин кузатуви. Операциядан кейин реабилитация, чандикқа қарши терапия. Логопедда даволаниш. Ортодонт даволаниш.

Боғча даври (1 ёшдан 3 ёшгача)

-педиатрнинг назорати остида уранопластикага операциядан олдинги тайёргарлик. Тиш қаторларининг торайиши ва танглайнинг йўғонлашишига тўсқинлик қилувчи, операциядан олдин ортодонт даволаш. Инфекциянинг сурункали ўчоқларини стоматологик даволаш, оғиз бўшлиғида микрофлорани меъёрлаштириш.
-соматик касалликларни даволаш. Йилига 2 марта оториноларинголог, гастро-энтеролог, нефролог, невролог, иммунолог-аллерголог қабули. Госпиталга ётқизиш учун таҳлилларни тайёрлаш.
-вақтинча тишлам учун барча тишлар ёриб чиққач, 2,5-3 ёшда, шифокор анестезиолог-реаниматолог маслаҳатидан кейин, қарши кўрсатмалар бўлмаса, уранопластика ўтказиш, чунки бу даврда юқори жағнинг жадал ўсиш босқичи яқунланади.
-педиатрнинг операциядан кейин кузатуви. Операциядан кейин реабилитация, чандикқа қарши терапия. Нутқ бузилишларининг олдини олиш учун логопед билан машғулотлар тавсия этилади.
5 ёшлигида бола тиш-жағ тизимидаги нуқсонларни бартараф этиш учун ортодонтга даволашга йўналтирилади. Ортодонтда даволаниш якунига етганидан сўнг жарроҳлик билан даволашнинг навбатдаги босқичи – алвеоляр ўсиқнинг суяк нуқсонини бартараф қилиш мақсадида алвеоляр ўсиқ кемтиклигининг суяк пластикаси ўтказилади.

ХУЛОСА

“Юз нуқсонлари билан туғилган болаларда тишлар чиқиш муддати ва тишлов шаклланишига таъсир этувчи хавф омиллари “ мавзусида докторлик диссертацияси (PhD) буйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Юқори лаб ва танглайнинг бир томонлама чегараланган кемтиги билан туғилган болаларда тишлар соғлом болалар билан таққослаганда марказий кесув тишлари 9,0 ($P < 0,001$) ойга кеч чиққан, Қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг тўлиқ кемтиги билан туғилган болаларда марказий кесувчи тишлар - 7,4 ($P < 0,001$) ойга, Юқори лабнинг бир томонлама тўлиқ кемтиги билан туғилган болаларда - 7,9 ($P < 0,001$) ойга, Юмшоқ танглай кемтиги билан туғилган болаларда - 3,1 ($P < 0,001$) ойга, Қаттиқ танглайнинг

чегараланган кемтиги билан туғилган болаларда - 5,2 ($P < 0,001$) ойга, Атипик нуқсонлар бўлган болаларда марказий кесувчи тишлар 9,9 ($P < 0,001$) ойга кеч чиқган.

2. Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги бор болаларда тишловнинг шаклланиши куйдагича кузатилган: Ортогнатик тишлов, моҳиятан тўғри тишлов бўлиб, юз туғма кемтигига эга 2 нафар (1,8%, $P < 0,001$) болада шаклланган, мезиал тишлов – 70 нафар (63,7%, $P < 0,001$), очик тишлов – 28 нафар (25,5%, $P < 0,001$), чуқур тишлов – 4 нафар (3,6%, $P < 0,001$), кесишган тишлов – 6 нафар (5,4%, $P < 0,001$) болада қайд этилган.

3. Тишларнинг ривожланишига ҳам пренатал, ҳам постнатал омиллар комплекс таъсир қилади. Энг кўп тарқалган пренатал омиллар: ҳомиладорликда токсикозлар, муддатидан олдин туғуруқ; стресслар; ҳомиладорлик вақтида жароҳатлар, сурункали интоксикациялар (алкогол, тамаки, наркотиклар); онада инфекция касалликлари ҳамда ота она қариндошлиги. Бачадон ичида барча сут тишлари юзага келади. Ҳомиладорликнинг кечуви айнан шуларга таъсир қилади. Тишлов-нинг шаклланиши ва тишларнинг ўз муддатида чиқишининг кечикиши эмбрионал ривожланиш даврида муҳитнинг зарарли омилларини таъсир қилиш жараёнида намоён бўлиши кўрсатилди.

4. Такқослаш гуруҳининг болаларида сўлак таркибидаги лизоцим меъёр кўрсаткичларига мос бўлди (17 дан 25% гача), туғманинг кемтигига эга болаларда эса $38,1 \pm 1,22$, ($P < 0,001$) га етди. Юз кемтиги бўлган барча ёш даврларидаги болаларда лизоцимнинг фаоллиги меъёрдан ўртача бир ярим марта юқори бўлди ($P < 0,001$). Лизоцим фаоллигининг юқори бўлиши микробиологик ёмон ҳолатдан дарак беради, чунки дисбиоз юқори даражада ифодаланганида, лизоцим макрофагал тизим ҳамда яллиғланиш жараёнида иштирок этувчи қоннинг бошқа хужайралари ҳосил бўлиши ҳисобига компенсаторли ортади

5. Юз кемтиги билан туғилган болалар учун тузилган оптималлаштирган профилактик алгоритми турли мутахассислар ўтказадиган кўшимча профилактика ва даволаш чораларини ўз ичига олади, бу боланинг соматик ҳолатини ҳамда операциядан олдин ва операциядан кейинги тайёргарлик сифатини яхшилаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МУХСИНОВА ЛОЛА АНВАРОВНА

**ФАКТОРЫ РИСКА ВЛИЯЮЩИЕ НА СРОКИ ПРОРЕЗЫВАНИЯ
ЗУБОВ И ФОРМИРОВАНИЯ ПРИКУСА У ДЕТЕЙ С ПОРОКАМИ
РАЗВИТИЯ ЛИЦА**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib960

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель	Иноятв Амрило Шодиевич доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты	Баймурадов Шухрат Абдужалилович доктор медицинских наук, профессор Шукурова Умида Абдурасуловна доктор медицинских наук (DSc), доцент
Ведущая организация	ФГАОУ Санкт-Петербургский государственный университет (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «19» января 2021 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 063). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «10» января 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 19 от «10» января 2021 года)

Ш.Ж. Тешаев

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Н.А. Нуралиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирная организация здравоохранения “...расщелина губы и неба относится к распространенным порокам развития у детей, их удельный вес составляет 96,9%. Популяционная частота типичной расщелины лица составляет 1:1000-1:700 новорожденных в год”¹. Процесс прорезывания зубов и формирования прикуса являются физиологическим процессом, которая является одним из важных показателей состояния здоровья и физического развития ребенка. Прорезывание зубов и формирование прикуса служат косвенными показателями правильного развития ребенка. Физиологический акт прорезывания зубов не является болезненным явлением, не вызывает патологических состояний. Оно находится в прямой связи с общим состоянием здоровья ребенка, своевременный в определенной последовательности рост зубов свидетельствует о нормальном развитии его организма.

В мире ведется большая работа по развитию патологических процессов у детей, рожденных с расщелинами лица в результате факторов риска, влияющих на сроки прорезывания и формирования зубов. Поэтому, несмотря на обширную работу отечественных и зарубежных исследователей по данной теме, разработка методов ранней диагностики и прогноза течения и исхода патологий прорезывания и формирования зубов у детей остается актуальной и необходимой. Исследования посвящены изучению факторов риска, переходных характеристик, изменений в других органах и системах организма, влияющих на сроки прорезывания зубов и формирования зубов у детей с врожденными расщелинами верхней губы и неба.

Принимаются меры по повышению качества медицинских услуг, оказываемых населению страны, особенно по ранней диагностике и снижению осложнений заболеваний новорожденных. В связи с этим комплекс мер по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения включает «...укрепление здоровья семьи, защиту материнства и детства, расширение доступа к качественной медицинской помощи для матери и ребенка, оказание им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижение детской смертности. «реализация мер». Поэтому важно поднять качество медицинских услуг на новый уровень, особенно в ранней диагностике задержки прорезывания зубов и формирования прикуса у детей с врожденными расщелинами верхней губы и неба. Указы Президента Республики Узбекистан о “...повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы неотложной помощи...”², а также ПФ-

¹ Данные отчета ВОЗ. 2019 год

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»

5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по радикальному оздоровлению» системы Республики Узбекистан», № ПП-3071 от 20 июня 2017 г. «...О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» и № ПП-4891 от 12 ноября 2020 г. «О мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики. Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в «Положении о дополнительных мерах», а также других нормативных актах, касающихся этой проблемы.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование является частью VI. Выполняется в соответствии с приоритетами «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Прорезывание зубов это физиологический стадийный процесс, характеризующийся появлением молочных, затем постоянных зубов у детей (Терехова Т.Н., 2013; Аюпова Ф.С. и соавт., 2015; Ferar I.V. et al., 2011).

